



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ”
КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
мудирини Боймуродов О. Ҳушмуродов
“21” 06 2013 йил



5340700- “Ғазначилик иши” йўналиши кундузги IV курс, Г-41 гуруҳ талабаси
Боймуродов Шавкат Ҳазратович “Ғазначилик органларда харажатларни тўлаш ва
давлат бюджети харажатларининг ҳисобини ташкил этиш”
(Китоб туман Молия бўлими мисолида) мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

БАЖАРДИ:
“Ғазначилик иши” таълим йўналиши
битирувчи IV курс Г-41 гуруҳ
талабаси Боймуродов Шавкат

ИЛМИЙ РАҲБАР:
“БХ ва А” кафедраси
ўқитувчиси Ш.Б. Бутунов

Битирув малакавий иши кафедрала дастлабки ҳимоядан ўтди
“15” сонли баённома “17” 06 2013 й.

“БХ ва А” КАФЕДРАСИ

Мавзу: Ғазначилик органларида харажатларни тўлаш ва давлат бюджети харажатларининг ҳисобини ташкил қилиш.

(Карши шаҳар молия бўлими мисолида)

Режа

Кириш

I. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари тизими ва бозор муносабатлари шароитидаги таркибий ўзгаришлар.

1.1 Давлат бюджети харажатлари, уларнинг таркиби, турлари ва давлат бюджети харажатларининг гуруҳланиши.

1.2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида харажатлар таркибидаги ўзгаришлар

II. Карши тумани молия органларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш, молиявий мажбуриятларини тўлаш ва харажатлар ҳисоби.

2.1. Карши тумани молия органларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш.

2.2. Карши тумани молия органларида молиявий мажбуриятлар ва уларни тўлаш тартибининг амалий жиҳатлари.

2.3. Карши тумани молия органларида давлат бюджети харажатлари ҳисоби.

III. Давлат бюджети харажатларни тўлаш ва давлат бюджети харажатларининг ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

Кириш

Давлат бюджетининг асосий қисми иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий-маданий тадбирлар бўйича харажатларни тўлашга (молиялаштиришга) йўналтирилади. Тасдиқланган давлат бюджетида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.

Бюджетдан маблағлар хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилади.

Давлат бюджетидан харажатларни тўлаш (молиялаштириш) ғазначилик органлари томонидан банк муассасалари орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетидан харажатларни тўлаш (молиялаштириш) деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга ва бюджет маблағлари олувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлаб бериш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан республика аҳамиятига эга бўлган қуйидаги харажатлар тўлаб берилади (молиялаштирилади):

- 1) маориф, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт харажатлари (республика бюджетида турувчи бюджет ташкилотлари орқали);
- 2) ижтимоий таъминот харажатлари;
- 3) мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоа тартибини таъминлаш харажатлари;
- 4) суд ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш харажатлари;
- 5) давлат ва сафарбарлик захираларини вужудга келтириш ва сақлаш харажатлари;
- 6) давлат марказлаштирилган инвестициялари фаолиятини ташкил қилиш харажатлари;
- 7) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мамлакатнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва миссиялари фаолиятини таъминлаш харажатлари;

8) иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги бюджет ташкилотларини сақлаш харажатлари;

9) амалдаги қонунларга мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга доир мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

10) ер тузиш, мелиорация, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

11) қишлоқ хўжалиги зараркурандаларига қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳамиятига эга бўлган қуйидаги харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тўлаб берилади (молиялаштирилади):

1) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан тўлаб бериладиган бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари;

2) жорий бюджет трансфертлари;

3) капитал харажатлар:

(а) асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

(б) давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Ҳазначилик органи бюджет маблағлари олувчиларнинг тўлов топшириқномаларига асосан ғазна ҳисобварағидан (худудий ғазна ҳисобварақларидан) смета ва қўшимча манбалар доирасида ташкилотларни сақлашга, марказлаштирилган тадбирлар амалга оширишга ва бошқа мақсадларга харажатларни тўлаб беради.

I. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлар тизими ва бозор муносабатлари шароитида улар таркибидаги ўзгаришлар.

1.1 Давлат бюджети харажатлари, уларнинг таркиби, турлари ва давлат бюджети харажатларининг гуруҳланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб этадиган категориядир. Харажатлар орқали давлат ўз сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги мақсадларини амалга оширади. Харажатлар ёрдамида миллий даромаднинг маълум қисми қайта тақсимланади, давлат ўз таъсирини ишлаб чиқаришга ўтказади.

Бюджетнинг биринчи даражали аҳамияти республикамиз раҳбарияти олға сураётган жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларини бажаришини таъминлашдан иборатдир. Миллий даромад мамлакатимиз аҳолисининг тўла қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашда ишлатилади. Миллий даромад товар пул - муносабатлари шароитида асосан пул кўринишида ҳисоб қилинади. Аввало, ишлаб чиқарадиган соҳа ишчиларининг даромадлари кўринишларида ва ижтимоий талабларни қондиришга мўлжалланган жамиятнинг соф даромади кўринишида бўлади. Сўнгра миллий даромад қуйидагича тақсимланади ва қайта тақсимланади:

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида. Чунки, миллий даромад асосан ишлаб чиқарадиган соҳада яратилади, давлатнинг нурли келажагини таъминлаш учун ноишлаб чиқариш соҳаларига харажатлар қилади, яъни соғлиқни сақлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, ҳалқ хўжалиги тармоқлари учун мутахассис кадрларни таёрлаш хизматлари, тўла ва қисман меҳнат қобилиятини йўқотган фуқораларни моддий таъминлаш мамлакат мудоффа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқалар марказлашган тартибда (давлат миқёсида) амалга оширилади. Шунинг учун миллий даромаднинг бир қисми давлат бюджетининг харажатлари тизими орқали миллий даромад яратилмайдиган соҳага қайта тақсимланади.

Миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланаётган қисми доимо ўзгариб туради, чунки давлат иқтисодий ривожланиш даврида маълум иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилади.

Давлат бюджетининг миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчилик, яъни бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам ортмоқда. Чунки харажатларнинг тўғри йўналтирилиши иқтисодиётни тез суратларда ривожлантиришни таъминлайди, бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражасининг ошишига, мамлакатнинг бойишига олиб келади. Бундан ташқари бюджет маблағларини мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг асосий соҳаларини ривожлантиришга сафарбар қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллаштириш, барча чоралар билан унумдорликни, илмий техника ютуқларини жорий қилиш имкониятларини беради. Бюджет харажатлари йўналиши соҳасига қараб моддий ва номоддий соҳаларга сарфланади. Бюджет харажатлари давлат ихтиёрида бўлгани учун, ҳар йили уларнинг турлари ўзгариб туриши мумкин.

Бюджетнинг харажат қисмини асосан ижтимоий-маданий тадбирлар ва иқтисодий харажатлар банд этади. Иқтисодий харажатларнинг ўзи ҳам 2 қисмга бўлинади:

1. Халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш харажатлари. Бу йўналишдаги харажатлар асосан камдаромад кўрувчи, лекин давлат миқёсида зарур бўлган давлат тармоғидаги нархларга сарфланади. Бундай корхоналарга мисол қилиб кўмир конларини, қишлоқ хўжалиги корхоналарини, транспорт ташкилотларини келтириш мумкин.

2. марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари. Бу йўналишдаги харажатларга янги корхоналарни қуриш учун мўлжалланган маблағлар киради. Иқтисодий харажатларга бюджетдан тахминан 20-25 % миқдоридаги маблағлар сарфланади. Бюджет харажатлари моддий ишлаб чиқариш соҳасига режалаштирилганда шу соҳанинг ўзига тегишли маблағлар ҳисобга

олинади ва етишмаган қисмигагина бюджетдан давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурига биноан маблағлар ажратилади.

Ижтимоий харажатлар асосан ижтимоий - маданий тадбир харажатларига ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларига бўлинади. Бу йўналишдаги харажатлар номоддий соҳага мўлжалланган маблағлар ҳисобланади. Бюджетнинг тахминан 50 %дан ортиқ харажати ижтимоийсоҳа ва аҳолини ҳимоя қилишга сарфланади. Бу харажатларга маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва бошқаларга мўлжалланган маблағларни санаб ўтиш мумкин. Тахминан 25-30 % бюджет харажатлари маориф харажатларига сарфланади.

Бюджет корхоналари ичида яна бир гуруҳ харажатлар, бошқарув органларини таъминлаш харажатлари ҳам режалаштирилади.

Умуман олганда, бюджет харажатлари мақсадга мувофиқ қуйидаги гуруҳларга бўлинади: - ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб - қувватлаш; - иқтисодиёт; - марказлашган инвестицияларни молиялаштириш; - Давлат бошқарув органларини сақлаш; - фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари ва бошқа харажатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармаси.

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- 3) капитал харажатлар шаклида:асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга; давлат заҳираларини вужудга келтиришга;
- 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) резидент-юримдик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

8) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Бюджет трансферти – бу бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари ҳисобланади.

Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ичида марказлашган инвестицияни молиялаштириш харажатлари муҳим роль ўйнайди ва катта салмоқни эгаллайди. Бу турдаги харажатларни сарфлашдан иқтисодий ўсиш талаб ҳажмига ва ички бозорни шакллантиришга таъсир ўтказиш каби мақсадлар кўзда тутилади.

Марказлашган инвестицияни молиялаштириш асосий капиталнинг кенгайиши ва янгиланиши, капитал йиғимига таъсир ўтказиш каби ўз хусусиятлари мавжуд. Бундан ташқари иқсодий инқироз даврида кўпгина ҳозирги ривожланган мамлакатлар ўз маблағларини шундай соҳаларга сафарбар этганларки, натижада бу соҳалар бутун бир иқтисодни кўтарилишига таъсир қилади. Бундай соҳаларга илмий изланиш соҳалари ва технологик мураккаб тузилишга, бошқаришга асосланган соҳалар қирадики, уларга авваламбор олдиндан катта миқдорда харажатлар қилишга тўғри келади

Иқтисодий соҳа харажатларига давлат бюджетидан маҳаллий ҳокимиятларга бериладиган субсидияларни ҳам қўшиш мумкин. Бундай субсидиялар ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадларининг 20-25 % ини ташкил қилади. Бу турдаги ёрдамни ажратиш бўйича Буюк Британия, АҚШ, Франция давлатлари олдинги ўринларда туради.

1.2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида харажатлар таркибидаги ўзгаришлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорининг қабул қилиниши бюджет тизими харажатларини ислоҳ қилиш соҳасида 2000 йилдан сўнг бурилиш даврини бошлаб берди. Мазкур қарорга асосланган ҳолда 2000 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибининг бутунлай янги тартиби жорий қилинди. Унга биноан бюджет ташкилотларининг молиявий мустақиллиги кенгайтирилди, бюджетдан молиялаштириш механизми соддалаштирилди, бюджет ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш бўйича зарурий эркинликлар белгиланди.

Ундан ташқари бюджет харажатларини молиялаштиришда соддалаштирилган харажатлар таснифи амалиётга татбиқ этилди, бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш манбалари аниқлаб берилди, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасини тузиш йўлга қўйилди ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланди, уларнинг бюджетдан ташқари топган даромадлари икки йилгача барча турдаги солиқлардан озод қилинган эди ва ҳозирда мазкур имтиёз ҳар йили узайтириб келинмоқда.

Молиялаштиришнинг янги тартибига ўтишнинг бирламчи яқунлари бўйича шунни айтиш мумкинки, берилган имтиёз ва ҳуқуқлар бюджет ташкилотларининг қўшимча даромад манбаларини топиш ва бюджет маблағларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш юзасидан манфаатдорлигини кескин оширди, ҳамда кредитор қарзларнинг сезиларли камайишига олиб келди.

1.2.1 - жадвал

Давлат бюджетининг харажатлари таркиби

(ЯИМга нисбатан %да)

№	Кўрсаткичлар	2003 й	2010 й	2011 й	2012
1.	Мақсадли фондларсиз харажатлар	22,6	21,7	22,4	22,8
1.1	Ижтимоий соҳага	11,3	11,9	12,3	13,4

1.2	Ижтимоий ҳимояга	1,4	1,7	2,2	2,4
1.3	Иқтисодиёт учун харажатлар	2,9	2,5	2,7	2,6
1.4	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	2,25	1,63	1,7	1,4
1.5	Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларига харажатлар	0,6	0,5	0,6	0,6
1.6	Бошқа харажатлар	5,3	5,0	4,9	4,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қилинадиган харажатларнинг салмоғи ЯИМга нисбатан асосий салмоққа эга бўлмоқда.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг етакчи ўрни 2004 йилда ҳам сақлаб қолинди ва бу жами бюджет харажатларининг 45,9%ини ташкил этди. 2007 йили “Ижтимоий ҳимоя йили” деб қабул қилиниши муносабати билан бу ижтимоий соҳа харажатлари давлат харажатлари таркибида 54,1 %ни ташкил этиши кутилмоқда. Бу албатта, давлат бюджетнинг жамият ижтимоий тараққиётини таъминлашдаги аҳамиятининг устувор эканлигини тасдиқлайди. Мазкур харажатлар асосан таълим, соғлиқни сағлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, спорт ва оммавий ахборот тизимларини молиялаштириш, илм-фан ва маданият соҳалари бўйича харажатларни ўз ичига олади.

Қуйидаги келтирилган жадвалдан кўриниб турганидек, давлат бюджети харажатлари 2003 йилда 2385,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб эса 4313,5 млрд. сўмни ташкил этган, бошқача сўз билан айтганда, ана шу йиллар мобайнида давлат бюджети харажатлари 45,5%га ошган.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари эса 2003 йилда – 1096,3 млрд. сўм, 2004 йилда – 1305,4 млрд. сўм, 2005 йилда эса – 1738,9 млрд. сўмдан иборат бўлган, яъни шу йиллар мобайнида 58,6 %га ўсган. Давлат бюджетининг жами харажатлари ўсишига нисбатан, бу харажат турларининг

кўпроқ суръатларда ўсиши аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётининг яхшилаш бўйича давлат харажатларининг аҳамиятини ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

1.2.2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари динамикаси
(млрд.сўм ҳисобида)

т/р.	Кўрсаткичлар	2003	2010	2011	2012
1.	Харажатлар, мақсадли жамғармаларсиз - жами	2 385,6	8197	10761	13733
2.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари - жами	1 096,3	4249	5901	8113
	жумладан:				
3.	Маориф	628,8	2469	3326	4635
4.	Соғлиқни сақлаш	231,2	934	1256	1704
5.	Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	44,3	136	189	234
6.	Ижтимоий таъминот	9,5	35	46	59
7.	Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	26,6			
8.	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	138,3	636	1039	1432
9.	Иқтисодиётга харажатлар	261,2	941	1290	1573
10.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш	320,2	628	829	825
11.	Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органлари харажатлари	44,2	206	273	352
12.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	12,6	61	84	119
13.	Вазирлар Маҳкамасининг заҳира	56,7	29	41	54

	жамғармасы				
14.	Бошқа харажатлар	569,4	1898	2338	2692


Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумоти

Иқтисодиёт харажатлари 2003 йилда 261,2 млрд. сўмни, 2004 йилда 342,1 млрд. сўмни, 2005 йилда 459,2 млрд. сўмни ташкил этган, ушбу йиллар оралиғидаги ўсиш 1,76 баробарга ўсган.

Қуйидаги диаграмма орқали биз 2004 йил учун давлат бюджети харажатларининг таркибини кўриб чиқамиз.

1-диаграмма

2012йилги Давлат бюджети харажатларининг таркиби



Юқорида кўрсатиб ўтилган диаграммадан маълум бўладики, давлат бюджети харажатлари таркибида энг кўп улушга эга бўлган харажат тури – ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари бўлиб, унинг 2004 йилги давлат бюджети харажатлари режасидаги улуши 47 % ни ташкил этди.

Иқтисодиёт харажатлари давлат бюджети харажатлари таркибида сезиларли салмоққа эгадир, унинг улуши 12,5% ни ташкил этган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, иқтисодий муносабатларнинг янгиланишини, институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларнинг амалга оширилишини, бошқаришнинг мақбул таркибининг яратилишини талаб этди. Шунинг учун иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган бир даврда бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ислохотлар натижасида Давлат бошқарув соҳасида ходимлар сони максимал даражада қисқартирилишга эришилди. Ҳукумат томонидан бошқарув аппарати сонини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора - тадбирлар 2004 йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида уларнинг сонини 40 минг кишига ёки 22 %га қисқартириш ва ҳар йили 40,5 млрд. сўм маблағни тежаш имконини беради.

II. Китоб тумани молия органларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш, молиявий мажбуриятларини тўлаш ва харажатлар ҳисоби.

2.1. Китоб тумани молия органларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг (бюджет ташкилотларининг) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маҳсулот (товар) етказиб (иш бажариб, хизмат курсатиб) берувчилар (пудратчилар) билан тузган шартномалари, шунингдек капитал қурилиш буюртмачиларининг (бюджет маблағи олувчиларнинг) шартномалари ғазначилик бўлинмаларида “Давлат бюджетининг газна ижроси қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган) мажбурий тартибда рўйхатга олинади.

Бунда, бюджет маблағлари ҳисобига бюджетдан маблағ олувчиларнинг (бюджет ташкилотларининг) товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича тузадиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилиши белгиланади.

Харажатлар сметасида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари суммалари асосида аниқланган юридик мажбуриятларни қабул қилиш лимитлари, молия йили бошидаги бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши лозим бўлган тегишли моддалар бўйича мавжуд кредиторлик қарзлари суммасига камайтирилади. Молия йили бошига мавжуд кредиторлик қарзлари иқтисодий таснифнинг маълум моддасига, бюджет харажатлари функционал таснифнинг бўлим ва параграфига алоқадорлигини кўрсатилиши, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Китоб туман ғазначилик бўлинмига тегишли молия йилида хўжалик операциялари бошлангунига қадар ёзма равишда тақдим этилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномалар тузмасдан бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар (счётлар, квитанциялар, хабарномалар ва бошқа қонун ҳужжатлари) асосида қабул қилинган юридик мажбуриятларининг рўйхатга олиниши қуйидаги мажбуриятлар юзага келган ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- бадаллар, йиғимлар, суднинг қарори, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;
- ягона буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари.

Бюджетдан маблағ олувчилар импорт қилинаётган товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун шартномалар тузишда ва молиявий мажбуриятларни чет эл валютасида тўлаш шarti билан қабул қилишда юзага келиши мумкин бўлган курс фарқларини қоплаш учун бюджет маблағларининг зарур захирасини назарда тутишлари лозим. Юзага келиши мумкин бўлган курс фарқларини қоплаш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг зарур захираси ҳар бир аниқ шартнома бўйича индивидуал тарзда бюджетдан маблағ олувчилар ва Китоб тумани ғазначилик бўлинми томонидан, зарур ҳолларда тегишли молия органи иштирокида шартнома тузилган сана, назарда тутилаётган муддат ва валюта курсининг кутилаётган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларига қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим қилинади:

- 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан кам бўлган шартномаларни маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича ўтказилган энг яхши конкурс таклифларини танлаб олиш ҳужжатлари илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. Бунда, конкурс таклифлари танловини ўтказиш, маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича камида иккита конкурс таклифи бўлганда, қонунчиликда назарда

тутилган ҳоллардан ташқари, конкурс таклифларини кўриб чиқиш асосида конкурс таклифлари танлови баённомасини расмийлаштириш асосида амалга оширилади.

■ 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдоридан ортиқ бўлганда, қонунчиликка мувофиқ ўтказилган тендер савдолари бўйича ҳужжатларни шартномага илова қилган ҳолда тақдим қилинади.

Шартномани рўйхатга олиш учун бюджетдан маблағ олувчи Китоб туман ғазначилик бўлинмасига шартноманинг икки асл нусхасини ва битта кўчирма нусхасини тақдим қилади. Шартномалар Китоб туман ғазначилик бўлинмаси томонидан қуйидаги тартибда рўйхатга олинади.

2.1.3-жадвал

**2013й. "19" апрел даги Китоб туман ҳокимлиги Ободонлаштириш
бошқармаси ва Олим Рахматуллаевич ф/х ўртасида 10216450 суммага
тузилган №1- сонли шартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ**

(сўмда)

2013й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	43 32 900			
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел	1 532 475			1 532 475
Май				
Июн	2 043 300			2 043 300
Июл				
Август	1 516 805			1 516 805
Сентябр				

Октябр	5 123 870			5 123 870
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	10 216 450			10 216 450

Жами 10 216 450 сўм (Ун миллион икки юз ун олти минг турт юз эллик) сум
Юқоридаги кўрсатилган суммадан 1 532 468 сўм ёкишартноманинг умумий
суммасидан 15% 2013 йил апрел ойида тўланиши лозим.

Бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларни ғазначилик бўлинмаларига
рўйхатга олиш учун улар тузилгандан сўнг 20 иш куни мобайнида, бироқ жорий
молия йилининг 25 декабридан кечикмасдан тақдим этишлари лозим.

Китоб туман ғазначилик бўлинмаси масъул ходим томонидан
шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча
варақларига “Рўйхатга олинган” штампини қўйиш ва рўйхатга олинган рақами ва
санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси
ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқлаш орқали рўйхатга олади.

Шартномалар ҳисоби “Ғазначилик дастурий мажмуи”да электрон тарзда
бюджетдан маблағ олувчининг номи ва реквизитлари, шунингдек шартнома
суммаси, унинг рақами ва тузилган санаси, ғазначилик бўлинмаси томонидан
рўйхатга олинган рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда Бюджетдан маблағ
олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини
рўйхатга олиш китобида акс эттирилади ва қуйидаги шакл бўйича амалга
оширилади.

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг
махсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш**

КИТОБИ

№	Шартнома тузилган санаси, рақами ва шартнома суммаси	Номи ва реквизитлари		Шартноманин Ғазначилик томонидан қабул қилинган санаси	Ғазначилик- нинг рўйхат рақами	Шартноманин г Ғазначиликда рўйхатга олинган санаси
		бюджетдан мблағ олувчининг	товар (иш, хизмат)ла р етказиб берувчин инг			
1	19.04.2013 й №-1 10216450 сум	Китоб туман хокимлиги Ободон- лаштиришбо шкармаси	Олим Рахмату- ллаевич ф/х	20.04.2013	1641	29.04.2013 й

III гуруҳда акс эттириладиган капитал қурилиш харажатлари бўйича шартномаларнинг икки асл ва бир кўчирма нусхаларидан ташқари, буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойихачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йиғилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларида юқори суммани ташкил этган ҳолларда;

- конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойихачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йиғилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этган ҳолларда улар харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш

ёки маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин;

- буюртмачининг пудрат қурилиш (лойиҳа) ишлари учун ўтказилган танлов савдолари натижалари бўйича ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш билан келишилган нусхаси;

- пудратчи қурилиш ташкилотининг қурилиш ҳавфини суғурталаш бўйича шартномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

- Давлатқурилиш назорат инспекциясининг қурилиш – монтаж ишларини бажаришга рухсатномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

- тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титулли рўйхатлари нусхалари, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган ва конкурс савдоларининг ўтказилиши бўйича қурилишларнинг аниқланган манзилли ва титулли рўйхатлари нусхалари;

- давлат экология экспертизаси хулосаси нусхаси (зарур бўлганда).

Тендер савдолари ёки конкурс таклифлари танловини ўтказмасдан лойиҳачи ёки пудратчи ташкилотни танлашда буюртмачи томонидан ғазначилик бўлинмасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорининг нусхаси тақдим этилади.

Ғазначилик бўлинмаси ходими IV гуруҳ харажатлари бўйича тегишли барча ҳужжатлар илова қилинган шартномаларни қабул қилишда, тўлов жадвалида ҳужжат қабул қилинган санани кўяди, шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар тўлов жадвалида рўйхатга олинган шартнома санасини кўяди. Бундан ташқари, шартномалар тақдим қилинган ҳужжатлар, ажратилган бюджет маблағлари ва “Давлат бюджети ғазна ижроси қоидалари” талабларига мувофиқ келиши текширилади.

Қарама-қаршиликлар аниқланганда, шартнома рўйхатга олинмасдан, уни қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчиларга ёзма билдиришнома билан қайтарилади.

Қайтарилган шартномалар ғазначилик бўлинмаси тегишли масъул ходимлари томонидан шартнома рақами ва санаси, бюджетдан маблағ олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи номи ва манзиллари, масъул ходим томонидан шартнома қабул қилинган сана, қайтариш сабаби, шунингдек қайтариш санаси кўрсатилган ҳолда қайтарилган шартномаларни рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади.

2.1.5-жадвал

**Қайтарилган шартномаларни рўйхатга олиш
КИТОБИ**

№	Шартнома рақами	Шартном а санаси	Номи ва реквизитлари		Шартнома қабул қилинган сана	Қайтарили ш сабаблари	Қайтари лган сана
			Бюджетда н маблағ олувчинин г	Товар (иш, хизмат) етказиб берувчининг			
1	12	22.04.201 3	17-сонли Мактабгача таълим муассасаси	«Узагросугур та» ДАСК Китоб туман булими	24.04.2013	Сметада кузда тутилмаган	28.04.201 3

Ғазначилик бўлинмасининг ёзма билдиришномасида кўрсатилган барча камчиликлар тўғриланган ҳолларда, бюджетдан маблағ олувчига шартнома такроран қайтарилишига йўл қўйилмайди.

2.1.6-жадвал

**Китоб тумани Газначилик булинмаси томонидан Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташкари жамгармалардан
маблаг олувчиларнинг шартномаларини руйхатга олиш ҳолати тугрисида**

МАЪЛУМОТ

№	Худуд номи	Маблаг- лар манбаси	Руйхатга олинган шартномалар		Кайтарилган шартномалар													
					Жами		шундан											
			Сон и	Сум- маси	Сон и	Сум- маси												
							Сони	Сум- маси	Со ни	Сум- маси	Ошган сумма микдо ри	Сон и	Сум- маси	Уртача нардан ошган сумма	Сон и	Сум- маси	Сон и	Сум- маси
1	Туман	Бюджет	359	272719	8	13251	2	120	2	3266	18	1	2955	15	1	2990	2	3920
		Респуб жамгар	169	135589	4	7701	-	-	-	-	-	3	7015	69	-	-	1	686
2	Вилоят	Бюджет	57	112822	4	19291	-	-	1	13675	189	-	-	-	1	3682	2	1934
		Респуб жамгар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Респуб лика	Бюджет	12	23300	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
		Респуб жамгар	4	2110	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами бюджет			428	408841	12	32542	2	120	3	16941	207	1	2955	15	2	6672	4	5854
Жами Респубика жамгармаси			176	148051	4	7701	-	-	-	-	-	3	7015	69	-	-	1	686
Хаммаси			604	556892	16	40243	2	120	3	16941	207	4	9970	84	2	6672	5	6540

Китоб туманиГазначилик булинмасига Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташкари жамгармалардан маблаг олувчилар томонидан 2013 йил 1 феврал ҳолатига ҳаммаси бўлиб 604 та, яъни 556892 минг сумлик шартномаларини тақдим қилган. Китоб туман газначилик бўлими томонидан 16 та, яъни 40243 минг сумлик шартномалар қайтарилган, шундан Давлат бюджетидан мақсадсиз тақдим қилинганлиги учун 2 та, яъни 120 минг сумлик, сметадан ортиқча тақдим қилинганлиги учун 3 та 16941 минг сумлик, яъни 207 минг сум сметадан ортиқча суммаган шартнома тузилган, Белгиланган уртача нархлардан ошган суммага тақдим қилганлиги учун 1 та 2955 минг сум, яъни 15 минг сум белгиланган суммадан ортиқча нархларга шартнома тузилган, бошқа сабабларга кура 4 та 5854 минг сумлик жами 12 та, яъни 32542 минг сумлик шартномалар қайтарилган.Бюджетдан ташкари республика жамгармаларидан маблаг олувчилар томонидан жами 176 та 148051 минг сумлик шартномалар тақдим қилинган, шундан белгиланган уртача нархларданошган суммага тақдим қилинган шартномалар сани 3 та 7015 минг сум, яъни 69 минг сум ошган, бошқа сабаблар учун 1 та 686 минг сумлик жами 4 та 7701 минг сумлик шартномалар газначилик бўлими томонидан қайтарилган.

**Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун
СЎРОВНОМА**

54- сон 2013 й. «19» апрел
2013 й.апрелдага

Бюджетдан маблағ олувчининг номи **Китоб туман ҳокимлиги**
Ободонлаштириш бошқармаси

Бўлим 7065

Боб 110

Параграф _____

Шахсий ҳисобварақ 100022860102327065400110001

2.1.7-жадвал

Шартнома рақами *	Тузилган сана *	Мол етказиб берувчининг (тўловни олувчининг) номи	Мол етказиб берувчининг (тўловни олувчининг) банк реквизитлари	Суммаси (сўмда)
№-1	19.04.2013 й	Олим Рахматуллаевич ф/х	Банк номи: Агро банк Китоб МФО: 00176 ИНН: 301717244 х/р 20208000304869568001	10216450

Тақдим қилинган сана 20__й. «__» _____

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирлаш шартномаларига, шунингдек бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлашнинг манзилли рўйхати ҳам илова қилинади.

Мукаммал таъмирлаш шартномаларига суммаси 50 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ошганда, шартномаларга дефект акти асосида тузилган мукаммал таъмирлаш бўйича ишлар рўйхати, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг экспертизадан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари ҳам илова қилинади.

2.2. Китоб тумани молия органларида молиявий мажбуриятлар ва уларни тўлаш тартиби.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги молиявий мажбуриятлари уларга товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни ҳисоблаш ведомостлари асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар (озик-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар).

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг I ва II гуруҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гуруҳ харажатларини II гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга оширилмайди.

Муваиян бюджет маблағи олувчи маблағ билан таъминланадиган тегишли бюджет бўйича I ва II гуруҳ харажатлари тўлови учун ғазна ҳисобварақларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гуруҳ харажатларини тўлиқ тулаб булгандан сунг унинг IV гуруҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

IV гуруҳ “Бошқа харажатлар” бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Худудий ғазна ҳисобварағида овқатлантириш харажатлари бўйича тўланмаган маблағлардан ошиқча маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу ошган маблағлар доирасида дори-дармонлар бўйича харажатларни амалга оширишга рухсат этилади.

Бюджет ташкилотларининг ишчиларига ижтимоий тўловлар бўйича харажатлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлар билан бир вақтда амалга оширилади.

Китоб туманида Бюджет ташкилатларининг турт гуруҳ харажатлари қўйидаги 2.1.8.-жадвалда келтирилган

2.1.8-жадвал

Бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг тақсими

(минг сўм)

Бўлим	Код	Жами I-гуруҳ	Жами II-гуруҳ	Жами III-гуруҳ	Жами IV-гуруҳ	Ҳаммаси
100	1001	358430	88581		576400	1023411
200	2001	18292168	4346438		704265	23342871
201	2011	75269	18456		7492	101217
203	2031	6376938	1528306		880551	8785795
207	2071	6648	1652		7542	15842
214	2141	150083	36392		159464	345939
215	2151	363631	90703		9234	463568
216	2161	8026	1254		39254	48534
222	2221	3674	852		15838	20364
240	2401			83152		83152
250	2501	7824414				7824414
Жами		33459281	6112634	83152	2400040	42055107

Китоб туманида бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг бўлим ва моддалар буйича 1-гурух харажатлари 33459281 минг сум, 2-гурух харажатлари 6112634 минг сум, 3-гурух харажатлари 83152 минг сумни, 4-гурух харажатлари 2400040 минг сумни жами харажатлари 42055107 минг сумни ташкил қилган

Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақларида чорак (йил) охирида қолган, иқтисод қилинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларнинг тўлови учун назарда тутилган ажратилган маблағлар бундан мустасно) бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиб берилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджетдан маблағ олувчилар бўйича ўтган йил учун тўлов топшириқномалари молия йилига қўшимча даврнинг тугашигача 5 иш кунидан кечикмаган муддатда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилиши лозим.

Капитал қўйилмалар буйича конкурс савдолари ўтказилгунга қадар бюджетдан маблағ олувчиларнинг ер участкасини ажратиш, қурилиш объекти ҳудудида яшовчи шахсларни кўчириш, дастлабки - рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳа олди ишларни ташкил қилиш, лойиҳа ва конкурс ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертиза қилиш ва тасдиқлаш, қурилиш объектларини давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясида рўйхатга қўйиш, тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)да назарда тутилган буюртмачини сақлаш каби харажатлар тўланиши мумкин.2.1.9-жадвал

2.1.9-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2013 йилда Китоб туманида ўрта таъмирланадиган ички йуллар 4.3 км бўлиб, таъмирлаш учун жами 111800 минг сўм сарфланиши назарда тутилган. Бу таъмирлаш ишларини Китоб ЙХТПТФДК ва 1-ХХБ МЧЖ корхоналари амалга оширади.

2.1.9-жадвал

**Китоб тумани бўйича туман ҳокимлиги балансидаги умумфойдаланув хўжаликлараро ички
йулларни ўрта таъмирлаш
МАНЗИЛИ РЎЙЎАТИ**

№	Иншоатлар номи ва манзили	Қурилиш бошла- ниши ва тугаши	Лойиха- вий қуввати (км)	2013 йил капитал қурилиш ҳажми					Ишга тушири- ладиган қувватлар	2013 йил 1-январ ҳолатида ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати	Пудратчи ташкilotлар
				Жами капитал қуйлмала р	Шу жумладан						
					ҚМИ СМР	Бюртмачи харажатлари					
						жами	Лойиха хужжат- лари	Экспер- тизага			
1	Мираки йулининг21-км	2013 йил	0.7	18127.3	17580.0	547.3	437.9	108.4	0.7	18127.3	Китоб ЙХТПТФДК
2	Мираки йулининг2-км	2013 йил	0.8	20836.35	20087.55	748.8	624.0	124.8	0.8		
3	Пасткиқончиғали- Юкори	2013 йил	1.0	26000.0	25218.2	781.8	625.4	156.40	1.0	26000.0	1-ХХБ МЧЖ
4	Денов-Сурум- Мусобозор	2013 йил	0.8	20836.35	20087.55	748.8	624.0	124.80	0.8		
5	Косагар-Бодомзор	2013 йил	1.0	26000.0	25064.0	936.0	780.0	156.0	1.0		
	Жами		4.3	111800.0	108037.3	3762.7	3091.3	671.4	4.3	44127.3	

Ғазна ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Нақд пул маблағлари беришда чекларнинг ишлатилиш тартиби ва шартлари қонунчилик орқали тартибга солинади.

Ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими ишлатилган чек дафтарчаларини олгандан сўнг, улардаги маълумотларни Ғазначилик дастурий мажмуидаги олдин тўланган суммалар ва чеклар сони тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиради.

Банклар томонидан чеклар бўйича нақд пул маблағларини бериш уларда имзо намунаси карточкасида кўрсатилган имзо қўйиш ҳуқуқига эга ғазначилик бўлинмасининг мансабдор шахслари имзоси ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланганлиги мавжуд бўлганда амалга оширилади. Пул чекларининг орқа томонидаги тўлов мақсадлари тўғрисидаги маълумот ғазначилик бўлинмасининг имзоси билан тасдиқланади.

2.1.10-жадвал

Китоб тумани ғазначилик бўлинмаси томонидан Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи харажатларини тўлаш бўйича нақд пул олиш учун берилган чекларини рўйхатга олиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Худуд номи	Маблаглар манбаси	Маблаг олувчилар сони	Маблаг олувчиларнинг шахсий ҳисоб раками	Нақд пул учун берилган чеклар			
					Ёзилган чеклар		Ҳақиқатда туланган чеклар	
					Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1.	Туман	Бюджет	163	294	114	309303	114	309303
		Рес Жам	-	552	3	724	3	724
2.	Вилоят	Бюджет	16	16	15	45416	15	45416
		Рес Жам	-	49	-	-	-	-
3.	Республика	Бюджет	7	8	3	12322	3	12322
		Рес Жам	-	19	-	-	-	-
Жами бюджет			186	318	132	367047	132	367047
Жами Республика жамғармаси			-	620	3	724	3	724
Ҳаммаси			186	938	135	367771	135	367771

Китоб тумани Ғазначилик бўлинмаси томонидан Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи харажатларини тўлаш бўйича нақд пул олиш учун берилган чеклари умумий сони 2013 йил феврал ҳолатига 135 тани, яъни 367771 минг сумни ташкил қилган бўлиб ҳамма чеклар ғазначилик томонидан ўтказилган.

2.1.11-жадвал маълумотларидан қурилиб тўрибдики, Китоб туман Тиббиёт бирлашмаси бўйича 2013 йил апрел ой учун иш ҳақи 263824000 сум ҳисобланган бўлиб туман газначилик бўлимига барча ушланмаларни ҳисоблаган ҳолда суровнома берган ва шу суровнома асосида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган туловлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

2.1.11-жадвал

Сўровнома № 5

Китоб туман

Ғазначилик бўлинмасы

Китоб туман Тиббиёт бирлашмаси бўйича 2013 йил апрел ой учуниш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатларга нақд пул маблағларини олишга

(cŷm)

[illegible]

2.1.12-жадвал

**Китоб тумани ғазначилик бўлинмаси томонидан Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан маблағ олувчиларнинг харажатларининг тўлави бўйича рўйхатга олинган тўлов
топшириқномалари ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Худуд номи	Маблағлар манбаси	Рўйхатдан ўтказилган тўлов топшириқнома-лар		Қайтарилган тўлов топшириқномалари											
					Жами	шундан										
						Шартнома орқали амалга ошириш лозим бўлган туловларни шартнома маси тақдим қилинмаган	Шартнома суммасидан ортиқча тақдим қилинган		Сметадан ортиқча тақдим қилинган			бошқалар				
Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Ошган сумма миқдор	Сони	Сумма	Ошган сумма миқдор	Сони	Сумма			
1.	Туман	Бюджет	2271	5662940	39	243457	4	89	1	1538	1	8	43836	18000	26	195994
		Рес Жам	378	151186	5	1130	1	1	1	294	5	-	-	-	3	835
2.	Вилоят	Бюджет	256	1244764	12	141636	-	-	-	-	-	9	124752	25782	3	16884
		Рес Жам	17	51554	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3.	Республика	Бюджет	79	234600	1	2675	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2675
		Рес Жам	1	1026	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами бюджет			2606	7142304	52	387768	4	89	1	1538	1	17	170588	43782	30	215553
Жами Республика жамғармаси			396	203766	5	1130	1	1	1	294	5	-	-	-	3	835
Ҳаммаси			3002	7346070	57	388898	5	90	2	1832	6	17	170588	43782	33	216388

Ҳисобварақ-фактуралар ёки буюртмачининг пудратчи олдидаги қарзининг мавжудлигини ва ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига қўшимча давр тугашига 5 иш куни қолғунига қадар тақдим қилиниши лозим.

IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари ёки товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида ғазна ҳисобварақларидан IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гуруҳ харажатларининг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;
- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- ҳисобварақ-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджетдан маблағ олувчининг маҳсулот етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек бюджетдан маблағ олувчини маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

- тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари шартнома ва ҳисобварақ-фактурада ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб беришни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларда маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

Тўлаб берилмаган кредиторлик қарзи мавжуд бўлганда, жорий молия йилида ажратилган бюджет маблағларининг бир қисми кредиторлик қарзини тўлаб бериш учун захира қилиб қўйилиши лозим. Бунда, бюджетдан маблағ олувчи томонидан жорий молия йили харажатлар сметасидаги тегишли моддалар бўйича юридик мажбуриятларни қабул қилиш, ўтган йилнинг кредиторлик қарзини тўлашга йўналтириладиган маблағлар миқдорида камайтирилган бюджет ажратмалари доирасида, захира қилинган маблағларни ўтган йилнинг кредиторлик қарзини қоплашга мажбурий йўналтириш орқали амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмалари ўтган йилнинг харажатлар сметасида назарда тутилган режали ажратилган бюджет маблағлари суммаларидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммалари ошиб кетган ҳолларда, бу ҳақда Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг тегишли бўлинмаларига чоралар кўриш учун маълумот беради.

2.3. Китоб тумани молия органларида давлат бюджети харажатлари ҳисоби.

Давлат бюджетидан харажатларни тўлаш (молиялаштириш) ғазначилик органлари томонидан банк муассасалари орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетидан харажатларни тўлаш (молиялаштириш) деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга ва бюджет маблағлари олувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлаб бериш тушунилади.

Ғазначилик органи бюджет маблағлари олувчиларнинг тўлов топширикномаларига асосан ғазна ҳисобварағидан (худудий ғазна ҳисобварақларидан) смета ва қўшимча манбалар доирасида ташкилотларни сақлашга, марказлаштирилган тадбирлар амалга оширишга ва бошқа мақсадларга харажатларни тўлаб беради.(2.1.13 -жадвал)

2.1.13-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкики Китоб тумани бюджет харажатлари 2012 йилда 56462631 минг сум режалаштирилган булиб, ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар 57390567 минг сумни ташкил қилган, яъни утган йилга нисбатдан 927936 мин сумга куп бўлган.

2.1.13-жадвал

Китоб туман Давлат бюджети харажатлари қўйидаги жадвалда келтирилган

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2011 йил			2012 йил			Фарқи(+;-)	
		Молиялаш-тириш	Ҳақиқий харажатлар	Фарқи(+;-)	Молиялаш-тириш	Ҳақиқий харажатлар	Фарқи(+;-)	Молиялаш-тириш	Ҳақиқий харажатлар
1	Иқтисодиёт учун харажатлар	409653	417741	+8088	1007223	1025104	+17881	+597570	+607363
2	Умумтаълим харажатлар	13088390	13867457	+779067	17837154	18273437	+436283	+4748764	+4405980
3	Маданият ва оммавий ахборот воситалари харажатлар	78831	84892	+6061	120539	123682	+3143	+41708	+38790
4	Соғлиқни сақлаш харажатлар	4522136	4619164	+97028	6336993	6343778	+6785	+1814857	+1724614
5	Жисмоний тарбия харажатлар	-	-	-	750	750	-	+750	+720
6	Ижтимоий таъминот харажатлар	22696	25224	+2528	24193	31516	+7323	+1497	+16292
7	Давлат бошқарув органлари учун харажатлар	197699	216493	+18794	180838	184171	+3333	-16861	-32322
8	Захира жамғармалари	23579	24414	+835	15129	15290	+161	-8450	-9124
9	Капитал қўйилмалар	10080	10080	-	60000	60000	-	-	+49920
10	Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар	5457228	5457228	-	6537770	6537770	-	-	+1080542
11	Бошқа харажатлар	31856	32433	+577	22413	21906	-507	-9443	-10527
	Ижтимоий маданий тadbирларга килинган харажатлар	17712053	18596737	+884684	24319629	24773163	+453534	+6601576	+6176426
	ЖАМИ	41554201	43351863	+1797662	56462631	57390567	+927936	+14908430	+14038704

Ғазначилик органларида харажатлар 020 - «Бюджетлар харажатлари» субсчётида амалга оширилади.

020 - «Бюджетлар харажатлари» субсчёти бюджетларнинг амалга оширилган касса харажатлари ва уларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш учун тайинланган.

Ғазна ҳисобварағидан тўланадиган бюджетларнинг касса харажатлари ҳисоби ҳар бир бюджет маблағлари олувчи ёки харажатлар йўналиши бўйича ғазначилик органларида банк кўчирмалари ва унга илова қилинган тўлов ҳужжатлари асосида бюджет таснифининг бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари (харажат турлари, объект ва кичик объекти) бўйича очилган тегишли шахсий ҳисобварақларда юритилади.

020 - «Бюджетлар харажатлари» субсчётининг дебетиди:

Давлат бюджетининг касса харажатлари амалга оширилганда

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит 010 – «Республика бюджети маблағлари»

ёки 011 – «Маҳаллий бюджет маблағлари»

Сумма 4755200

Сўм эквивалентига ҳисобланган хорижий валютада амалга ошириладиган бюджет харажатларига

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит 016 – «Валюта ҳисобварағи»

Сумма 2360000

Давлат бюджети ҳисобидан нақд пул маблағларини махсус ҳисобварақдан олинганда

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит 030 – «Республика бюджети ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ» ёки 031 – «Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ»

Сумма 8750100

Йўлдаги бошқа маблағлар ҳисоби бўйича ҳисобварақдан давлат бюджети маблағларининг сарфланганда

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит034 – «Йўлдаги бошқа маблағлар ҳисоби бўйича ҳисобварақ»

Сумма 357800

Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратилган дотацияларни (субвенциялар) ўзаро ҳисоб-китобларга олиб борилганда

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит061 – «Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар»

Сумма 584123

Юқори маҳаллий бюджетдан қуйи маҳаллий бюджетларга ажратилган дотациялар (субвенциялар)ни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб борилганда

Дебет 020 - «Бюджетлар харажатлари»

Кредит062 – «Юқори ва қуйи маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар»

Сумма 641120100

020 - «Бюджетлар харажатлари» субсчётининг кредитида:

Республика бюджети касса харажаларини тикланиши

Дебет 010 – «Республика бюджети маблағлари»

Кредит020 - «Бюджетлар харажатлари»

Сумма 2854440

020-«Бюджетлар харажатлари» субсчётида давлат бюджетининг ғазна ҳисобварағидан қўйидаги харажатлар амалга оширилган:

- тасдиқланган бюджетга мувофиқ ортиқча даромадлар суммаларини юқори бюджетга ўтказиб берилиши ҳамда қуйи бюджетларга дотация суммаларини ўтказиб берилиши бўйича;

- қуйи бюджетларга субвенциялар бериш бўйича;

- капитал қўйилмалар тўловлари бўйича;

- бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатларини ғазна ҳисобварағидан тўлови бўйича:

- ўзини-ўзи бошқариш органлари (махалла кўмиталари) томонидан тайинланган нафақалар тўлаш учун «Халқ банки»га маблағларнинг ўтказилиши.

- давлат мақсадли фондига ягона ижтимоий тўловни ва ходимларни иш ҳақидан ушланган мажбурий бадалларнинг ўтказилиши;

-кредитга сотиб олинган товарлар учун ходимларнинг иш ҳақидан ушланган суммаларни, ходимларнинг иш ҳақисини уларнинг банкда очилган омонат дафтарчаларига ва пластик карточкаларига ўтказилиши;

-ходимларнинг иш ҳақидан ушланган даромад солиғи, акционер-суғурта компанияларнинг хўжалик шартномалари бўйича бадаллар ва касаба уюшмасига бадаллар, фуқароларнинг «Халқ банки»да очилган жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ва иш ҳақидан бошқа турдаги ушланмалар суммаларнинг ўтказилиши;

-бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметасининг IV гуруҳ ини тегишли моддалари бўйича аниқланган харажатлар сметаси харажатларни тўлашга берилган рухсатномаларга мувофиқ етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланиши ҳамда иш жойида овқатланглиги учун ходимларнинг иш ҳақидан ушланган суммаларни етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланиши;

020 - «Бюджетлар харажатлари» субсчётида ҳисобот молия йили давомида бошқа бюджетдан ушбу бюджетга қабул қилинган бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисоботлари асосида уларнинг касса харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

020-«Бюджетлар харажатлари» субсчётидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчилардан товар олиш учун уларга олдин ўтказиб берилган, лекин хўжалик шартномасининг бекор қилиниши натижасида маҳаллий бюджетнинг ғазна ҳисобварағига қайтарилган суммалар ҳисобдан чиқарилади.

Ғазна ҳисобварағидан тўланган давлат бюджетининг касса харажатлари ҳисоби ҳар бир бюджет маблағлари олувчи бўйича ғазначилик органида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Ғазначилик органи томонидан

ғазна ҳисобварағидан бевосита амалга оширилган касса харажатлари бюджет таснифининг бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари (харажат тури, объекти ва кичик объекти) бўйича ҳисобга олинади.

Бюджет таснифининг бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари (харажатлар тури, объекти ва кичик объекти) бўйича касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлар шахсий ҳисобварақларда ғазна ҳисобварағида маблағлар ҳаракати тўғрисидаги банк кўчирмалари ҳамда ғазна ҳисобварағидан ғазначилик органи томонидан бевосита амалга оширилган харажатларнинг тўлови қисмини «Бюджетнинг ғазна ҳисобварағига келиб тушган даромадлар тўғрисида маълумотнома» (3-шакл) маълумотлари асосида акс эттирилади.

028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар» субсчёти

028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар» субсчёти ғазна ҳисобварақларидан бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий нафақалар тўловларининг амалга оширилиши билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш учун тайинланган.

028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар» субсчётининг дебитида:

Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ижтимоий нафақалар тўловлари учун маблағлар ҳисобидан касса харажатлари

Дебет 028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Кредит 018 – «Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ижтимоий нафақалар тўловлари маблағлари»

Сумма 2584100

Бюджетдан ташқари Пенсия фонди ҳисобидан нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақга маблағларни ўтказилиши

Дебет 028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Кредит 038 – «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ»

Сумма 46589700

028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар» субсчётининг кредитида:

Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ижтимоий нафақаларни тўловлари учун маблағлар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини тикланиши

Дебет 018 – «Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ижтимоий нафақалар тўловлари маблағлари»

Кредит 028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Бюджетдан ташқари Пенсия фонди ҳисобидан нақд пул олиш учун маблағларни махсус ҳисобварақга тикланиши

Сумма 65401200

Дебет 038 – «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ»

Кредит 028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Сумма 12578300

Аниқланмаган тушумларни бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини тиклашга олиб борилиши

Дебет 041 – «Аниқланмаган тушумлар»

Кредит 028 - «Бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Сумма 254635362

Дебет 029 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Кредит 019 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари»

Сумма 235444100

Бюджетдан ташқари бошқа маблағлар ҳисобидан нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақга маблағларни ўтказилиши

Дебет 029 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Кредит039 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ»

Сумма 56421200

029 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар» субсчётининг кредитида:

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари касса харажатларини тикланиши

Дебет 019 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари»

Кредит 029 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Сумма 23544400

Бюджетдан ташқари бошқа маблағлар ҳисобидан нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақдан маблағларни қайтарилиши

Дебет 039 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус ҳисобварақ»

Кредит 029 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»

Сумма 4521300

Аниқланмаган тушумларни бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини тиклашга олиб борилиши

Дебет 041 – «Аниқланмаган тушумлар»

Кредит 029 - *«Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»*

Сумма 2546300

Ҳисобот йилида бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса харажатларини натижаларга ўтказилиши Дебет 099 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми ва ишлатилиши натижаси»

Кредит 029 - *«Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан харажатлар»*

Сумма 32541230

III. Давлат бюджети харажатларни тўлаш ва давлат бюджети харажатларининг ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самарадорлигини ошириш муаммолари белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритишда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш давлатнинг бюджет сиёсатига ҳам чамбарчас боғлиқ шароитда энг муҳим вазифа килиб бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва эғали бўлишига эришишдан иборат.

Бугунги кунда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишга зарурият туғилади. Бу эса Давлат бюджетининг мавжуд маблағларини мақсадли тўғри тақсимланишини доимий назоратини амалга оширишни талаб этади. Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет жараёни, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва ундан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир каторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатади, қонунийлик, объективлик, эркинлик ва мустақиллик молиявий назоратнинг тамойиллари ҳисобланади. Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади.

Бюджетни иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан кўпқиррали алоқаларини бюджет кўрсаткичларининг аниқ адресли характери ифодалайди ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратади. Бюджетни даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади. Молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўпсонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлат назоратини кучайтиришни зарурлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган ҳеч бир мамлакат йўқки, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин.

Марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасаларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бу билан бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш назоратини таъминланишини таҳдил қилишни тақозо этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмнинг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самарадорлигини ошириш муаммолари белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларни ҳисоби юритишда катта аҳамият касб этади.

Президентимиз И. А. Каримов давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодийни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтдилар.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодийни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назоратини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини, Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 14 март 2002 йил 1111-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 29 декабр 2002 йил 130-сонли буйруғи билан «Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари» ҳам бюджет қонунчилигида муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет маблағлари ҳисобига, ҳам мазкур Тартибда назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг раҳбарлари амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноят қонунчилигига мувофиқ бюджет интизоми бузилиши учун, шу жумладан:

- бюджет маблағларидан ва бошқа пул маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;
- муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар

пайдо бўлиши;

- харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар лимитлари ошириб юборилиши;
- штат-смета интизоми бузилиши;
- харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун шахсан жавоб беради.

Республика ва маҳаллий бюджет ижросининг назорати жараёнида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда:

- бюджет ижроси жараёнида маҳаллий ҳокимият вакиллариининг асоссиз аралашуви;
- бюджет муассасалари томонидан харид қилинаётган товар моддий бойликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг жорий вақтдаги бозор нархларидан бир неча барабар қиммат нархларда харид қилинаётганлигидир.

Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мукинки, Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида муваффақиятли ижро этилиши ҳамда бюджет интизомига қатъий амал қилишни таъминлашда молиявий назорат ишларини янада такомиллаштириш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бозор талабаларига жавоб бера оладиган миллий бюджет тизими шакллана бошлади. Авваламбор, бюджет тизимининг ҳуқуқий асоси бўлган Конституция қабул қилинди, бюджет сиёсатининг институционал асослари бўлган давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий мақоми, молия-бюджет сиёсати соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки Ўзбекистонда Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтилиши натижасида куйидагиларга эришилади

- Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланилади.
- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтирилади.
- Давлат бюджети ижроси тугрисидаги ҳисоботни тайёрлаш муддатини қисқартирилади ва сифати янада яхшиланади.

Жойларда муаммоларнинг келиб чиқиши ва тушунмовчиликларнинг асосий сабаби бу бюджет жараёни иштирокчиларининг, янги чиқаётган қонунлар, йўриқномлар ва тартиблар тўғрисида маълумотга эга бўлмаганликлари, тушунтириш ишлари олиб борилмаганликдан деб ўйлайман. Шунинг учун ҳар бир чиқаётган қонунлар, йўриқномлар ва тартиблар бюджет жараёнининг ҳар бир иштирокчисига етиб боришини таъминлаш ва уларни хабардор қилиш тизимни тўлиқ шакллантириш учун муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олади.

Бюджет ташкилотларини молиялаштириб қуйилган маблағлар вақтда талаблар булмасдан қолиб ёки айрим бюджет ташкилотларига туловларни уз вақтида амалга ошириш имкониятлари булмас эди. Ғазначиликда Ягона Ғазначилик ҳисоб рақамига ўтилганда давлат бюджетининг кунлик барча даромадлари ва харажатлари ушбу ҳисоб рақами орқали амалга оширилди. Бунда давлат ишлатилмай турган маблағлар яъни бюджет ташкилотларининг бўш турган маблағларини, шунингдек барча тушган

даромадлардан тўлик фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари ҳисоботларни тезкор тарзда амалга ошириш, шунинг билан бирга дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат килиниши назорат килиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар учун сарфланишини назорат килиш имкониятига эга бўлинади. Бюджет ташкилотларида ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш учун замонвий компьютер техника, программа урнатиш лозим, кунлик амалга ошириладиган туловлар ва бошқа маълумотларни олиш имконияти. Ойлик ва чораклик ҳисоботлар ҳар ойни 15-20 санасигача ҳақиқий килинган харажатларни олиш имконияти бўлмайди юқори курсатиб утилган масалаларни амалга оширилса ҳисоботларни тезкор тарзда амалга ошириш, шунинг билан бирга дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш имкони булар эди.

Юқоридагилардан келиб чикиб, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин ортириш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини тезлатиш ва ҳисоботларнинг сифатини яхшилаш имконини беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилиб келинмоқда. Бунда Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилмоқда. Бу эса озиқ-

овқат махсулотларига ажратилган маблаглардан оқилона ва самарали фойдаланишга олиб келади ва нарх-наво мониторинги жуда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда қуйидагича таклиф киритмоқчиман.

Келгусида Ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона қўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиниб ҳудудий Ғазначилик бўлинмаларига етказиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг билан бирга Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан 9 хил махсулотга белгиланаётган ўртача нархлар маълумоти изохига “агар ҳудудий бозор нархлари белгиланган нархларга нисбатан паст бўлса бозор нархлари маълумот учун қабул қилинсин” матни киритилишини таклиф қиламан. Чунки белгиланган нархлар 1 ой муддатга берилган бўлиб, бу орада ҳудудий бозор нархлари паст булиши мумкин.

Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда бюджет назоратини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятли томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган тушумни таъминлаш;

Иккинчидан, аҳолини биринчи навбатидаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш;

Учинчидан, ишбилармонлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиб бериш зарурдир.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан молиявий назоратнинг дастлабки ва жорий шакллари самарадорлиги кескин орттирилиши таъминланади.

Давлат бюджети маблағларини харажат қилиш бўйича назоратнинг кучайганлиги. Яъни олдинги даврда бюджет маблағларини молиялаштирилгандан кейин фақатгина якуний назорат амалга оширилар эди. Ғазначилик тизимиға ўтгандан кейин бюджет маблағларини молиялаштиришдан олдин дастлабки назорат – харажатлар сметасида маблағнинг мавжудлиги, тўлов моддасининг сметаға тўғри келиши ўрганилади. Кейинчалик жорий назорат – ҳақиқатда товарнинг олинганлиги тўғрисидаги хужжатлар кўриб чиқилади

Утган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакиллантириш соҳасидаги барча ишларимиз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди ва Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунида ўзининг ҳуқуқий аксини топди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан бюджетнинг шакилланиши ва ижросининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бугунги кунда Қонунға биноан бюджетнинг тузилиши, унинг ижросини таъминлаш жараёни ва маблағлардан самарали фойдаланиш тамойилларини белгилаб берувчи йўриқнома, қўлланмалар ишлаб чиқилди ва амалиётға тадбиқ этилмоқда. Бошқа сўз билан айтганда бюджет ижросини самарали таъминланишиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Лекин жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизнинг ҳам Давлат молиясини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш заруриятини юзаға келтирмоқда. Шунға кўра, мамлакатимиз Давлат бюджети ижросини ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда жорий этилган ва қисқа муддат мобойнида ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган ғазначилик тизими фаолияти амалға киритилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекистон. 2001.39 б.
2. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 14.12.2000.
3. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 26.08.2004.
4. “Бюджет тизими тўғрисида”ги ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12.12.2007.
5. “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр 414-сон Қарори (ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 16.06.07. 148-сон қарори билан тасдиқланган янги таҳрири).
6. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-1449-сон 24.12.2010.
7. “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги Президент қарори. ПҚ-1675-сон 30.12.2011.
8. Каримов И.А., “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”- Т.:“Ўзбекистон” нашриёти, 2005, 525 бет.
9. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислоҳотимизнинг пировард мақсадидир. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й.
10. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш чоралари ва йўллари”. Тошкент, “Ўзбекистон” 2009 й.
11. Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

килинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//Халқ сўзи газетаси, 2009 йил 6 декабр.

12. И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. 2009.

13. И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фарвонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48б.

14. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2012 й.

15. Каримов И.А. “Буюк ва мукаддасан, Мустақил Ватан”. Илмий-оммабоп рисола. Т.: “Ўзбекистон” 2011 йил. 200 б.

16. Акперов И.Г. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: Учебное пособие / И.А.Коноплева, С.П.Головач. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 352стр.

17. Вахабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. "IQTISOD-MOLIYA", 2007

18. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008, 316 бет.

19. Джамалов Х., Алиев С., Бюджетная система. Т.; Издательский дом “Тасвир”, 2008.

20. Кучкаров Д.Ж., Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос. - Т.:Мир экономики и права. 2005.

21. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2007. - 84 б

22. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. - 245 б

23. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 98 бет

24. Маликов Т., Хайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2009, 556 бет.
25. 34 Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби.—Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
26. Остонакулов М. Бухгалтерский учет исполнения сметы расходов бюджетных организаций.—Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
27. Ostonakulov M. Accounting for Budgetary Organizations.—Т.: ЗдравПлюс/ЮСАИД, 2004.
28. 30.М. Остонакулов. Ғазначилик органларида бухгалтерия ҳисоби
29. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими.Т.: infoCom МЧЖ, 2010.
30. Тешабоев Х., Срожиддинова З. “Порядок составления, рассмотрения и утверждения смет расходов общеобразовательных школ”. – Т.:2010.
31. Хайдаров М., Сувонкулов А., Сугирбаев Б., Нурматов Б. “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими” – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2010.
32. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
33. Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008.
34. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш». Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” 2007.
35. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. “Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш” Т.: “infoCom.uz МЧЖ” 2010.
36. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2008
37. Қосимова Г., Шоакрамов Қ.“Маҳаллий бюджетлар”. Ўқув қўлланма. Т.: “Молия”, 2012 й. 260 бет
38. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарорига Илова.

39. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”. ЎзР Адлия вазирлигида 2157-рақам билан рўйхатга олинган. 19.11.2010.

40. “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома” ЎзР Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65- сон буйруғига илова. ЎзР Адлия вазирлигида 2146-рақам билан рўйхатга олинган. 19.11.2010.

41. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.: “O'zbekiston” НМИУ, 2011.

42. Интернет сайтлари:

www.mf.uz

www.treasury.uz

www.gov.uz

www.xarid.uz

www.undp.uz

www.lex.uz

www.roskazna.ru